

4
Мирза АЗИЗОВ:
БУ ҲАЁТДА
ТОПАНЛАРИМ КЎП



6
БОЛАНГИЗ
РУҲШУНОСГА
МУҲТОЖМИ?



5



8
ШАРБАТ ФУРБАТ
КЕЛТИРМАСИН



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши замирида сизу бизнинг жону жаҳонимиз, кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаб ўстираётган фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ва бақувват, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли, билимли этиб вояга етказишдек улўф мақсад мужассамдир.

ҲИКМАТ

Ҳамма хотирасидан нолийди-ю, лекин ҳеч ким ақлидан нолимайди.

Франсуа ЛАРОШФУКО

МАРРА – ФАҚАТ ҒАЛАБА ЭМАС

Спортчи хотин-қизлар

балки ирода чиниқиши, гўзаллик, соғлиқ ҳамдир

Хамма ҳаяжонда... Ахир неча ойлardan бери кутилаётган лаҳзалар яқин-да. Фахрли ўринларга даъвогарларнинг кўнгли орзиқиб кетяпти: "Ишқилиб, юртимизга ёруғ юз билан борайлик, устозларимизнинг ишончини оқлайлик-да". Соқинликни жарангдор овоз бузди: Мафтун Шамсиева — Ўзбекистон! Юраклар ҳарикиб кетди. Гулдурок қарсақлар янгради.

Ваҳоланки, Мафтун учун бу биринчи ғалаба, илк олтин медаль эмасди.

Мақсад сингари юқори зиналар

— Ҳар гал нуфузли мусобақаларда Ватанимиз номи тилга олинганда ўзгача бир фахрга тўлиб кетаман, — дейди бадий гимнастика бўйича спорт устаси Мафтун Шамсиева. — Буни сўз билан ифодалаш жуда қийин. Унда кўп йиллик машаққатли меҳнатлар самараси, отаона, устозлар ишончи, юртошларинг меҳри... Хуллас, ҳаммаси бирдан жамулжам бўлади гўё. Спорт билан шуғулланганимга ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу муддат ичида қанчадан-қанча халқаро беллашувларда иштирок этдим. Лекин ҳар гал шундай соҳир туйғуларни ҳис қилавераман.

Аслида-чи, гап фақат голибликда эмас. Биласизми, шу ўтган йиллар давомида спорт туйғули ҳаётга теран қарашни ўрганганим, бир қанча давлат ёшлари билан танишиш орқали юртимизнинг спортда ўз ўрни бор эканлигини чуқурроқ англаганим, иродамни чиниктирганим жуда муҳим омил бўлди. Спорт гўёки ўз марралари, зиналари ила сени тоблаётгандай тасаввур уйғотади, қандай. Сенинг аниқ мақсадларинг бор ва у сари дадил одимламоғинг, зиналарга бирма-бир чикмоғинг шарт. Ўйлаб қарасам, шу кунгача анча зиналарни босиб кўйибман. Лекин шунга қарамай, мен тендошларим сингари оддий қизман. Фарқим, ўтган йиллар давомидаги кўп вақтими спорт залларидаги тинимсиз машғулотларга, китоб ўқишга сарфлаганим бўлса керак. Аввалига синфдошларим билан кўнгилочар

жойларга, турли туғилган кунлар, кечаларга боролмасам, дугоналарим бошқача ҳайда бормасмикан, деган ўйда бўлардим. Кейинроқ тушундимки, менинг ўз йўлим бор, мақсадим аниқ. Демак, хато қилмаган эканман.

Ҳа, Мафтунанинг ҳаётга фалсафий жиҳатдан теранроқ қарашига ҳам аслида спорт туртки бўлди. У шу кунга қадар бадий гимнастика бўйича Туркия, Бельгия, Сингапур, Индонезия ва бошқа давлатларда ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллади. Яқиндагина эса Американинг Майами шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада спорт усталари ўртасидаги баҳсларда бир неча йўналиш бўйича биринчилиқни кўлга киритди. Бугун ўзи ҳам кези келганда жажжи қизалоқларга гимнастика сир-асрорларидан сабоқ бераёпти. Бу тиниб-тинимас кизга ўхшашни астойдил истаётган қизалоқлар сони кундан-кун кўпаяётгани эса янада қувонарли.

Катта меҳнат ва муносиб рағбат

Очиги, оммавий ахборот воситалари орқали жажжи қизалоқларнинг кўркем саройларда спорт билан шуғулланаётганини, натижада яхшигина ютуқларга эришаётганини кўрган ҳар бир отаона ҳам қизларининг спорт билан шуғулланишини истайди-да.

Дарҳақиқат, рақамлар ҳам бунга тасдиқлайди. Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг ўзида спорт билан шуғулланаётган қизларнинг сони олдинги йиллардагидан

кескин фарқ қилади. Улар орасида беш минг нафардан зиёди бадий гимнастика, саккиз минг нафардан зиёди енгил атлетика, етти минг беш юз нафари стол тенниси, олти минг нафари кўл тўпи, тўққиз минг нафардан зиёди волейбол ва тўққиз мингга яқини баскетбол

рига қатнайди.

Вилоятнинг 170 нафар қизлари жисмоний тарбия йўналиши бўйича олий таълим муассасаларида таълим олаяпти. 2013 йилда 46 нафар қизлар халқаро спорт мусобақалари голиб ва сариндорлари қаторидан жой эгаллаган.



спорт турлари билан шуғулланади. 2003 йилда бадий гимнастика бўйича 31 нафар мураббий фаолият кўрсатган бўлса, 2013 йилга келиб уларнинг сони 184 нафарга етди.

Вилоят халқ таълими тизимида тахсил олаётган қизларнинг 121 минг нафари (48 фоизи) спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг 750 нафари (26 фоизи) хотин-қизлардир. Кейинги икки йилда вилоятда аёл спортчи-мураббийлар сони 64 нафарга кўпайди. Уларнинг 39 нафари бевосита қишлоқларда меҳнат қилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 96 минг нафар қизлар таълим олади. Уларнинг 13,5 минг нафари спорт билан мунтазам шуғулланади, 35,5 нафари соғломлаштириш гуруҳла-

Тетиклигим сабаби

...Марина Абраева 43 ёшда. Каттақўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактабида кимё фанидан дарс беради, шунингдек, мактабда директор ўринбосари вазифасида ишлайди. Мактабдаги ишларини ўз вақтида амалга ошириб, рўзгор юмушларини ҳам саранжомлайди. Яна денг, туманда ташкил этилган соғломлаштириш-спорт марказига ҳам қатнашга вақт топади. Бу ерда гимнастика билан шуғулланади. Тетиклиги, кўп ишларга ўз вақтида улгуриши шунданмикан?

— Албатта, — дея саволимизга жавоб беради Марина опа. — Кўпинча ён-атрофимдаги аёлларнинг "кўп жисмоний ҳаракат қилмасам-да, кечга бориб, шунақанги чарчок ҳис қиламанки", дея ёзғиб қолишларини эшитиб

қоламан. Аслида чарчок шу — жисмоний фаолиятнинг йўқлиги ёки бир маромдаги ҳаракатдан келиб чиқади-да. Бу — спорт билан яқиндан ошно бўлганимдан кейинги хулосаларим. Энди шифокорга деярли мурожаат қилмайман. Қолаверса, қизим Дарина ҳам спортнинг бадий гимнастика тури билан, ўғлим Ильмар эса бокс билан шуғулланади.

Хўш, ушбу мақолада Марина опанинг ҳаёти ҳақидаги фикрлар нега берилаётир, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, юртимизнинг ҳар бир ҳудудда хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли тадбирлар олиб борилаётир.

Бир неча йилдан бери Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Отам, онам ва мен", "Аёллар фестивали" спорт мусобақаларининг ўтказилиши анъанавий тусга кирди. Бу мусобақаларда ҳар йили биргина вилоятимиздан икки минг нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этаётир. Марина Абраева ҳам шу мусобақаларнинг фаол иштирокчиси.

Жорий йилда эса "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида уй бекалари ва ўсмир қизлар орасида "Гимнастика барча учун", бошқарма ва идораларнинг аёл ходимлари орасида эса "Соғлом аёл — соғлом жамият" мусобақалари ўтказилди.

Ҳа, бугун нафақат профессионал спортни ривожлантириш, балки аёлнинг саломат бўлиши учун муҳим бўлган спорт турларини ҳам кенг татбиқ этиш йўлида қатор ишлар олиб борилаётир. Ахир марра, яъни мақсад фақат голиблик эмас-да. Хотин-қизларнинг кенг миқёсда спортга жалб этилишига асосий сабабларидан бири уларнинг гўзал ва соғлом бўлишлари, худди шунингдек, соғлом фарзанд дунёга келтиришлари учун олиб борилаётган эзгу сый-ҳаракатлардир.

Гулрух МҶМИНОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.
Самарқанд вилояти.

ДИЛДА МЕҲР, ҚАЛБДА ШИЖОАТ БОР

Ватан маҳаладан бошланади

Пахтабодлик Дилоромхон Аҳмедова ўзининг фидойилиги, жонқурлиги, маҳалладошлари таъбири билан айтганда, куйди-пишдилиги-ю, тиниб-тинчимаслиги билан эл орасида хурмат топди.

Бобур маҳалласида 2698 нафар аҳоли истиқомат қилади. Дилоромхон барча оилалардаги ижтимоий муҳит билан яқиндан таниш, уларнинг турмуш шароитидан тортиб, эгаллаган касби-кориғача ўрганиб чиққан, қолаверса, ўйлантираётган муаммоларини ҳам бамаслаҳат ҳал қилишга интилади. Оилалар мустаҳкамлиги, осойишталигини таъминлаш, зарурат туғилганда, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга

бош-қош, аёлларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларида кўмақдош. Иш билан банд бўлмаган аёлларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ишга жойлаштиришда ҳам ўз кўмагини аямайди.

— Менинг назаримда ҳар бир оилада аёл ўзига хос барометр ролини ўйнайди, — дейди Бобур маҳалла фуқаролар йигини маслаҳатчиси Дилоромхон Аҳмедова. — Бола тарбиясидан тортиб, тўй-ҳашам, расм-русумлар, хуллас, ҳамма қувонч-ташвишларни ҳам хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам, биз маслаҳатчилар биринчи навбатда аёллар кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламиз. Масалан, 581 та хонадон

аҳли билан ўзимнинг энг яқин кадрдонларим каби муносибатда бўламан.

Этиборли жиҳати, Дилоромхон маҳалладаги фаоллар билан тил топишиб, айниқса, тўй-маъракаларни камчиқим қилиб ўтказишга эришди. Уларнинг сый-ҳаракати билан ортиқча олди-бердилар, исрофгарчиликларга чек қўйилди. Шу ҳудуддаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдам бериш удувлари ҳам саховатпеша инсонлар, ҳомийлар кўмағида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, маҳаллада маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолини, айниқса, хотин-қизларни фаол-

ликка жалб қилиш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини ривожлантириш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Хуқуқий идоралар вакиллари, шифокорлар ва малакали мутахассислар иштирокида ёшлар ўртасида турли хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг тибиий маданиятини ошириш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш борасида тарғибот ишлари кучайтирилган. Ана шундай ибратли тадбирлар натижаси бўлса керакки, жорий йилда бу маҳаллада оилавий ажримлар, воғга етмаганлар жиноятчилиги умуман қайд этилмади.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.
Андижон вилояти.

САХОВАТЛИ ФЕРМЕР

Орамиздаги одамлар

Соғлигимиз — бойлигимиз

Назира опа раҳбарлик қилаётган “Боқиева Назира” фермер хўжалигига келганимизда айна тушлик палласи эди. “Фарход” қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган фермер хўжалигининг дала шийпониди яратилган қулайликлар эътибори мизни тортди. Бир қатор қилиб қурилган хоналар, ҳовли ўртасидаги ҳовузда каттагина фаввора ўрнатилган, атрофга экилган рангбаранг гуллар, баланд қилиб кўтарилган ток сўриси шийпонга кўрк бериб турибди. Очик айвонда тузалган дастурхонда ишчиларнинг тушлиги ҳозирлаб қўйилган. Хойна-хой ўчоқда овқат ҳам пишаётгандир, деб ўйлагандим, энг замонавий газ плитаси ишлаб турибди, овқат ҳам аллақачон тайёр бўлган экан. Назира опа ҳам кўлида помидори тўла идиш билан кириб келди.

бир завқ оламан. Ҳар бир қарич ерда болаларимизнинг, элнинг насибаси борлигини ўйласам, яна ғайратга тўлавераман.

Меҳнат қилган киши асло кам бўлмас экан. Сиз кўриб турган дала шийпонини ўтган йилги галладан тушган 100 миллион сўмлик даромадимиз эвазига барпо этдик. Чунки фермер меҳнат қилишни билганидек, яхши яшашни ҳам билмоғи лозим. Айна, унинг ортида турган ишчи-хизматчилари ҳам кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб, кўтаринки кайфият билан далада ишласа, ҳосил

гектаридан 42 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Бу йил галла экилган ерларимиздан 80 центнердан хирмон кўтариб, шартномавий режани 110 фоизга уддаладик, буғдойнинг ортган қисми хўжалигимиз аъзоларига тарқатилганини меҳнатнинг чинакам роҳати, самараси дейиш мумкин. 2013 йилда лизинг асосида “Арёл” русумли тракторни 233 миллион сўмга харид қилгандик. Техника деҳқоннинг қаноти, деб бежиз айтишмаган. Даромадларимиз эвазига яна бошқа зарур агротехникаларни харид қилганимиз фаолиятимизда ижобий самаралар бермоқда. Фермер хўжалигининг техника воситаларига эга бўлиши ҳар бир иш ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, деҳқончиликда бу жуда муҳим жиҳат саналади.

Назира опа суҳбатимиз давомида сув таралган далами ҳам кузатиб ўтираркан:

— Ғўзалар сувга қонмоқда, аслида сув ерга бамисли қон каби керак. Дала шийпонини кўп ойнали қилганимнинг боиси бор, бир қарашда барча майдонларимиз кафтагидек кўринади, — деб қўшиб қўйди.

Саховат бор жойда, барак бор, дейдилар. Назира опа раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйига ёрдам қилинганидан ҳамқишлоқлар мамнун.

Икки ўғил, бир қизини вояга етказиб, касб-корли, уйли-жойли қилган Назира опа Боқиеванинг шашти-шижоати, қатъияти сўзида ҳам, қилаётган хайрли ишларида ҳам яққол акс этган. Унинг эзгуликларга тўла саҳий қалби, ҳиммати у меҳнат қилаётган кенг далалар, саховатли замин меҳрига туташ.

НИГОРА ҲУЛООВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Тошкент вилояти.



— Бу хонамизга озиқ-овқатлар келтириб қўйилди, — деди Назира опа мени етаклаб кирган хонага кўлидаги идишни кўраркан. — Кўриб турганингиздек, шароитлар яхши, иш унуми шунга боглик-да. Деҳқонларимиз уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ҳар кун ишдан қайтишларида, тоза уст-бошларини кийишга одатланишган, ювиниш хонаси фаолият кўрсатаяпти. Эрталаб келганларида ювиб қўйилган дала кийимларини кийиб ишга киришадилар. Сувчиларга бир хил бош кийимдан тортиб, велосипедгача олиб берганмиз. Уларни ўз туғишганларим, фарзандларимдай кўраман.

чўғи баланд бўлаверади. Хўжалигимиз аъзолари 33 нафардан иборат, икки нафар механизаторимиз бор. Уларнинг ҳалол меҳнатларини қадрлаб, рағбатлантириб бораёпмиз. Деҳқонларимизга буғдой берилиб, иккинчи экин учун ер ажратиб келинмоқда.

Фермер хўжалигимиз янги ташкил этилган пайтда бу ерларда ер рентабеллиги жуда паст эди. 20 гектар майдонда асосан пахта, галлачилик йўналишида иш бошланган хўжалигимизнинг экин майдони кейинчалик 84 гектарга етди. Тупроқ ҳосилдорлиги ортиб, йилдан-йилга яхши натижаларга эришяёмиз. Масалан, ўтган йили пахта майдонларининг ҳар

СИЛДАН ҲИМОЯЛАНИНГ

Сил — юкумли касаллик бўлиб, сил таёқчалари организмга тушиши оқибатида ўпка зарарланади. Баъзи ҳолларда мия ва мия қобиғи, суяклар, бўғинлар, буйрақлар, жинсий аъзолар, кўз, ичак ва бошқа аъзолар сили ҳам кузатилади.

Сил таёқчалари бемор йўталганда, аксирганда ҳавога тарқалади ва соғлом одамга нафас йўллари орқали ўтади. Имун тизими заиф кишиларнинг ўпкасига тушган сил таёқчалари кўпайиб, яллиғланишни келтириб чиқаради. Кейинчалик тўқималар зарарланиб, бу жойда коваклар ҳосил бўлади. Бу ковакларга миллионлаб бактериялар тўпланади.



Сил таёқчалари ҳавода бир неча соатгача сақланиши мумкин. Агар юкумли шаклдаги сил билан оғриган бемор узок вақт шамоллатилмаган хонада қолиб кетса, бу ерда айланиб юрган бактериялар сони жуда кўпайиб кетиши ва атрофдаги соғлом одамлар учун хавф туғдириши мумкин.

Сил касаллигига асосан организми заифлашган ёш болалар ҳамда катта ёшдаги одамлар чалиниши мумкин. Кўп терлаш, кўкрак қафасида оғрик, озиб кетиш, иштаҳасизлик, қонли балғам туфлаш, тез чарчаб қолиш, уч ҳафтадан кўпроқ мудатдаги йўтал каби аломатлар бу хасталикнинг белгиси ҳисобланади. Бундай белгилардан уч-тўрттаси аниқланса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

Бемор балғами таҳлили олиниб, микроскопик текширувдан ўтказилади. Касаллик аниқланса, диспансерга даволаш учун юборилади. Агар бу таҳлил ташхис қўйиш учун етарли бўлмаса, кўкрак қафаси флюорография ёки рентгенография қилиниб, фтизиатр кўригидан кейин ҳулоса чиқарилади.

Сил ҳаво томчи йўли билан одамдан одамга, чорва ҳайвонларидан ҳам ўтиши мумкин. Шу боис озиқ-овқат билан ишловчилар, коммунал, тиббий, болалар муассасалари ходимлари, ўқитувчилар, чорвадорлар ҳар орти ойда бир марта флюорография кўригидан ўтишлари керак.

Сил таёқчаси куёш ва ультрабинафша нурлар, фаол дезинфекцион эритмалар таъсирида ўлади. Бу хасталикнинг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Уйни тез-тез шамоллатиб туриш, хоналарни хўл латта билан артиб, кийим-кечак ва кўрпа-тўшакларни тез-тез куёш нурига ёйиш мақсадга мувофиқ. Кир ювгандан кейин албатта дазмоллаш, бемор ишлатган идишларни қайнатилар.

Оилада сил билан касалланган бемор бўлса, унга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, бўлак хона, ўрин-кўрпа, сочиқ, идиш-товоқ ажратилиши керак.

Организмда оқсил камайиб кетса, сил касаллигининг юқиш хавфи кучаяди. Витаминларга, оқсил ва кальцийга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш организмни заифлаштириб қолишдан асрайди. Тозаликка, санитария-гигиена қоидаларига риоя қиладиган, мунтазам равишда бадантарбия, спорт билан шуғулланадиган одамлар организми хасталик микробига қарши курашувчан бўлади.

РОЗА ЖУМАНОВА,
Тошкент шаҳар Бектемир туман ДСЭНМ
шифокор-эпидемиологи.



— Юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари амалиётга изчил йўналтирилган, — дейди **Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Наманган вилояти Чортоқ туман бўлими раҳбари**

Ижтимоий ҲИМОЯ

Одилжон Насинов. — Бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиш, ғамхўрлик кўрсатиш, кези келганда ёрдам бериш миллий қадриятларимиздан саналади. Туманимизда 11 минг 465 нафар ёшга доир пенсионерлар бор. Жорий йилда 1-2 гуруҳ ногиронлик пенсиялари 47 та, бокувчисини йўқотганлар учун пенсиялар 28 тани ташкил этди. Бўлимимиз ходимлари томонидан аҳолининг пенсия ва нафақалар билан таъминлишида ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

СУРАТДА: Пенсия жамғармаси Наманган вилояти Чортоқ туман бўлими мутахассислари **Ботир Акбаров, Ҳасанбой Аллахонвлар** иш жараёнида.

Нигора ЭРКИН қизи олган сураат.

Ўқинг, қизиқ...

ТУЯ СУТИ — ЭНГ ФЙДАЛИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туя сути энг фойдали сут ҳисобланар экан. Унинг таркибида сизир сутига нисбатан темир ва бошқа микроэлементлар 10 марта кўпдир. Бироқ, унинг асосий қиммати ОИТС, альцгеймер ва гепатит С каби касалликлар билан курашишда ёрдам берувчи антителалар унда борлиги билан ўлчанади, дейиш мумкин. Туя сутида нисбатан туз кўплиги унга ўзига хос шўрроқ таъм беради, ҳолос.

ХАФАҚОНДАН НИМА АСРАЙДИ?

Япон олимлари вегетарианларнинг артериал қон босими анча пастроқ бўлишини аниқладилар. Одатда, бундай одамларда артериал қон босими тананинг вазнига боглик бўлмаган ҳолда пасаяди. Бунинг ўзига ҳослиги шундаки, қон қуюқлашининг пасайиши юрак қон томирларига ижобий таъсир қилади.

“АИФ” материаллари асосида
тайёрланди.

БУ ҲАЁТДА ТОПГАНЛАРИМ КЎП

дейди Муқимий номидаги Ўзбек давлат му-
сиқий театри актёри, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист Мирза АЗИЗОВ

— Халқимизда “Ота — уйнинг устуни”, деган бе-
назир бир таъриф бор. Ку-
затишлар шуни кўрсатади-
ки, отанинг мавқеи юксак
хонадонларда жамиятнинг
тўлақонли, салоҳиятли
шахслари вояга етаркан.
Сухбатимиз аввалида
отангиз ҳақидаги ёруғ хо-
тираларингизни эшитсак.

— Отам Маҳаммаджон
Азизов ўз даврининг машхур
хофизларидан бири бўлган-
лар. Укалари Салмонжон
хофиз билан биргаликда бо-
бомиз Азизхон хофиздан
“Шашмаком”нинг илк сабоқ-
ларини олган эканлар. Кейин-
чалик машхур Содирхон
хофиздан мумтоз мақом сир-
ларини ўрганганлар.

Бизлар оилада беш фар-
зандимиз. Дадаимиз бирор-
таминни уришиб-сўкканларини
эслолмайман. Ҳаммамизни
сизлаб гапирардилар. Беш
ёшимдан бошлаб дутор ча-
либ, кўшиқлар хиргойи қила
бошлаган эканман. 2-3-синф-
да ўқиб юрган маҳалларим-
да дадам менга Алишер На-
воий, Ғазулий, Абдурахмон
Жомий, Лутфий, Бобораҳим
Машраб, Заҳириддин Муҳам-
мад Бобур ғазаллари билан
айтиладиган мақом кўшиқла-
рини ўргатганлар. Онам Му-
ҳаббатхон Камолова мени
аяб: “Дадаси, ўғлингиз ҳали
ёш бола бўлса, вақти-соати
билан бундай ашулаларни
ўрганар”, десалар, отам:
“Ҳозирдан шу оҳанглар куло-
ғига сингиб борсин. Катта
бўлганидан кейин ўзи истаган
ашуласини айтaveraди”, дер-
дилар. Энди йўлаб кўрсам,
отам ўша кезларда жуда
тўғри иш қилган эканлар.
Мумтоз кўшиқларни эшитиб
улгайган болаларнинг дунё-
қараши кенг, маърифатли
бўларкан. Ангил-елпи, сави-
яси паст кўшиқлар кўпайиб
бораётган ва бу ёшларимиз-
нинг маънавиятига салбий
таъсир килаётган бир пайтда
болаларимизга боғча ёшидан
бошлаб миллий қадриятлари-
миз, тарихимиз ва аъёнлари-
мизни ўргатишимиз, мил-
лий кўшиқларимизни улар-
нинг кулоғига сингдириб
боришимиз керак экан, деб
йўлаб қоламман...

— Саҳнада Алпомиш,
Бобораҳим Машраб, Бой-
соат каби бетакрор образ-
ларни талқин этгансиз.
Режиссёр сифатида ҳам
бир қатор спектакллари
саҳналаштирдигиз. Аммо
кейинги пайтда кино-
фильмлардаги ролларин-
гиз туфайли сизга нисба-
тан “салбий образларни
маҳорат билан ижро этув-
чи актёр”, деган тушунча
шақланганга ўхшайди...

— Муқимий номи-
даги Ўзбек давлат му-
сиқий театрида илк
маротаба Аҳад Фар-
монов саҳналаштир-
ган “Куёвлар конкур-
си”да Кенжавой ро-
лини ўйнаганман. 2005 йили Мисрда
тўқсон тўртта давлат
вакиллари орасида
диплом иши учун саҳ-
налаштирган спектакл-
лимни намоиш этиб,
лауреат бўлиб қайт-
дик. “На малакман, на
фаришта” спектакли-
да Бобораҳим Маш-
раб, “Алпомишнинг
қайтиши”да Алпомиш,
Баҳодир Йўлдошев
саҳналаштирган “Ис-
кандар” спектаклида Искан-
дар, Фирдавсийнинг “Шохно-
ма”сида бош роллардан бири
Эрозий, ўзимизнинг қадрдон
театримиз саҳнасида эса
“Хотинимнинг уч шайдоси”да
Бойсоат ролларини баҳоли
қудрат ижро этишга ҳаракат
қилдим. Шунингдек, “Супер
қайнона”да Мардон ва шу
каби кўплаб спектаклларда
ўйнадим. “Тўда”, “Тошкент-
нинг нозанин маликаси”,
“Синфдош ёхуд куёвликка
номзод”, “Осмоғига сизмаган
қуш” ҳамда “Ҳасис ва хиз-
маткор” номли болалар учун
муסיқали драмаларни саҳна-
лаштирдим. Халқимизнинг
миллий байрамлари — Мун-
тақиллик ва Наврўз шодиёна-
ларида, тарихи асрларга ту-
таш Шахрисабз, Термиз ва
Хоразм каби қадимий шаҳар-
лар юбилейларида Муканна,
Алпомиш, Жалолиддин Ман-
губерди каби ролларни ҳам
талқин этишга ҳаракат қил-
ганман.

Кинода, биласиз, одам-
нинг ташқи кўринишидан ке-
либ чиқиб, режиссёрлар сал-
бий ролларни беришади. Ак-
тёр сифатида зиммамга юк-
латилган ролни ижро этиш
меннинг вазифам. Лекин сод-
дадил томошабинлардан го-
ҳида: “Мана шу образлар ту-
файли сизни ёмон кўриб
қолаяпмиз”, деган фикрлар-
ни ҳам эшитяпман. Шундай
кезларда: “Ўтган кунлар” ки-
нофильмида Ҳомид ва унинг
ҳамтовоклари, Худоёрхон,
Тошкент хони ва Зайнаб каби
салбий ролларни олиб таш-
ласак, Отабек билан Кумуш
икки соат мобайнида экан-
да “Сиз ўшаму?” деб, бир-
бирига муҳаббат изҳорини
айтаверса, фильми томоша
қиларимизми?”, деб сўрай-
ман. “Йўқ албатта”, дейиша-
ди улар. Салбий образлар
ҳам ўз навбатида асар маз-
мунини томошабинга теран-
роқ етказиш ва ижобий
қахрамоннинг фазилатлари-



ни янада ёрқин намоён этиш
учун хизмат қилади.

— Ҳаётдан топганла-
рингиз ва йўқотганларин-
гиз...

— Тақдиримдан нолимай-
ман, шукр қиламан, орзула-
рим ушалапти. Энг асосийси,
озод ва обод юртда яшаш-
им. Оилам тинч, дастурхо-
ним бут, дўсту қадрдонла-
рим, мени ўз жигаргўшаси-
нид яхши кўриб, ҳурмат қила-
диган мухлисларим бор. Тур-
муш ўртоғим Тожибар Азизо-
ва ҳам Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист, “Шухрат”
медали соҳибаси. Ўғил-ки-
зини Азизхон ва Маҳзунaxon
ҳаётда ўзларининг муносиб
ўринларини топиш учун
интиляпти. Невага фарзан-
ддан ҳам ширин бўларкан.
Тожибархон момо, мен эса
бобо бўлдим. Фақат шу кун-
ларимизни ота-оналаримиз
кўрмагани юракда армон
бўлиб қолди. Талабалик йил-
ларимда онам (охиратлари
обод бўлсин) ҳар ҳафта уйга
боришимни кутиб ўтирарди-
лар. Агар бора олмасам, беҳи
солинган, сергўшт паловни
пишириб, совимасин деб
тўртта-бешта дастурхонга
ўраб, кечкурун поездга чи-
қиб, Тошкентга етиб келар-
дилар. “Болажоним, борма-
ганингда хавотир олдим, соғу
саломатмисан?” деб сўра-
дилар. Яхшиям, бизнинг буюк
бойлигимиз — Хотира бор!
Онам раҳматли мен ўқишни
битирмасидан аввал олам-
дан ўтдилар. Биринчи ойлик
маошимни онамга бера ол-
мадим. Энг катта армоним
шу. Она ҳақида шеър ва
кўшиқлар эшитсам, беихтиёр
кўзларим ёшга тўлади. Ҳо-
зирги яхши кунларимда ота-
онамлар ҳақида спектакль,
кинофильмлар яратиш орзу-
сидаман. Бу қанчалик амал-
га ошади, у ёғини вақт кўрса-
тади.

— Бугунги кунда жаҳон
саҳналарида, нуфузли

танловларда ёшларимиз
ҳам ўз санъатини намоиш
этишмоқда. Уларни кўриб,
кўнгилда фахр-ифтихор
уйғонади. Ҳозирги авлод
билан ўтган асрнинг этми-
шинчи, саксонинчи йилла-
рида болалиги кечган
ёшларни солиштирганда,
кўнгилнингиздан қандай
ўйлар кечади?

— Муҳтарам Президенти-
миз раҳнамолигида ёшлари-
мизнинг ўқиб-ўрганиши,
ҳаётда ўз ўрнини топишлари
учун барча имкониятлар яра-
тиляпти. Бундай улкан рағбат
ва ишончга яраша энди фа-
қат яхши ўқиш керак, наму-
нали яшаш керак. Глобалла-
шув даврида “Оммавий ма-
даният” никоби остида сохта
дабдабабозлик, “замонавий
яшаш тарзи” сифатида тақ-
дим ва тарғиб этилаётган
маънавий таназзулга элтув-
чи йўллардан эҳтиёт бўлиши-
миз лозим. Шунинг учун, энг
аввало, оилада ота ва она-
нинг ўрни ва нуфузини янада
ошириш учун тинмай ҳаракат
қилишимиз зарур. Ана шун-
дагина бизнинг фарзандла-
римиз орасидан алданган ва
адашган кимсалар чиқмайди.

Ҳозир дунё миқёсида
Ўзбекистонда барча соҳалар-
да амалга оширилаётган из-
чил ислохотлар аллақачон ўз
мевасини бераётгани эъти-
роф этилаётгани ҳам бежиз
эмас. Яқинда юртимиз бўй-
лаб ўтказилган “Биз буюк юрт
фарзандларимиз!” деб ном-
ланган ёшлар фестиваллари-
да катнашдим. Мамлакатим-
изнинг барча ҳудудларида
жуда катта бунёдкорлик иш-
лари давом этаётир. Бундай
тарихий ўзгаришларни эши-
тиш бошқа, ўз кўзинг билан
кўрган бошқа-да. Қашқадарё,
Сурхондарё, Хоразм ҳамда
водий вилоятларида кечган
жонли мулоқотлар, учрашув-
лар катта таассурот қолди-
ди. Ўзим гувоҳ бўлган қувон-
чли бир ҳолатни айтай: Фар-
гона шаҳрида коллежни та-
момлаган қизлар банкдан
микрокредит олиб, 10-15 та-
дан ишчи ўринлари яратиб,
тикув цехлари очибди. Ке-
чагина тадбиркорликни бош-
лаган ёшлар мустақил ҳаёт-
га теран кўз билан қараш-
ти, тил ўрганишяпти. “Ласет-
ти”, “Нексия”, “Кобальт” каби
машиналарга эга бўлишяпти.
Бир замоналар бундай имко-
ниятлар бизнинг тушимизга
кирмаган эди.

— Яқиндагина океан ор-
тида ижодий сафарда
бўлиб қайтибсиз, таассу-
ротлар қандай?

— “Ўзбеккино” миллий
агентлиги ижодкорлари
АҚШда биринчи марта жид-
дий мавзули кинони суратга
олиб қайтди. Хилол Насимов
сценарийси асосида “Гум-
роҳлар” деб номланган янги
фильми тасвирга олиш иш-
лари давом этапти. Дастлаб
Тошкентда, кейин Туркияда,
сўнг Америкада суратга олиш
жараёнларида қатнашдик. Бу
ҳам мустақиллигимиз туфай-
ли биз санъаткорларга бе-
рилган улкан имкониятлар-
дан бири бўлди.

Ҳамроҳон
МУСУРМОҢОВА
суҳбатлашди.



ОРГАН сўзининг туб
илдизи юнон тилида
“курол”, “асбоб” деган
мазмунни билдирган.
“Организм” сўзи ҳам шу
сўздан келиб чиққан,
яъни “организм” сўзи-
нинг туб илдизи ҳам
“курол” деган маънони
англаган.

**Орган XIV асрдан
Фарбий Европада ав-
вал черков, кейинча-
лик дунёвий чолгу ас-
боби сифатида кенг
тарқалган.**

Ўзбекистон Миллий
энциклопедияси

БўЗ — тилимизда кўп
қўлланадиган, ҳар хил
маъноларни ифодалар
келадиган ва кўп сўзларга
қўшилиб янги сўз яса-
ган фаол сўзлардан бири
“бўз” сўзидир. “Ўзбек ти-
лининг изоҳли луғати”да
бу сўзнинг олти хил маъ-
носи шарҳланган, яъни
“бўз” сўзи “газлама”,
“кўкка мойил оқ ранг”,
“экин экишга яроқли, ле-
кин экин экилмай ётган
ер”, “ўсмир бола”, “ўтси-
мон чўл ўсимлиги, ча-
лов”, “қаттиқ йиғи” маъ-
ноларини англатиши таъ-
кидланган.

**Бўз от. Бўз ятак.
Бўз ер. Бўз бола.**

АНТИКА — тилимизда
фаол ишлатиладиган бу
сўз асли лотин тилидан
кириб келган бўлиб,
“antiquus” — антик, қад-
димга деган маънони
билдиради. Бу сўз қад-
димга оид, қадимдан
қолган нарсаларга нис-
батан ишлатилиши билан
бирга “жуда қойилмақом,
хайратга соладиган” де-
ган маъноларни ҳам ан-
глатади. Қизиғи шундаки,
“антика” сўзи шакл ва
талаффуз жиҳатдан тили-
мизга бутунлай мосла-
шиб кетган.

**У энди девор гишт-
ларини бузиб, антика
белгиларини йигит-
ларга узатар экан,
хумча очилиб боргани
сари юрагидаги гулгу-
ла ҳам ортар эди.**

Муроджон Мансуров

**Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.**

МЕЪЁРДАН ЧИҚҚАН ТАНБЕХ

...Иш пайти телефоним жиринглаб қолди — қизим экан. Ғўшакни кўйганимдан кейин ҳаммасларимдан бири гап қотди:

— Вой опа, ёш боланиям сизлаб бўладими, бунақада бошингизга чиқиб олади-ку? Мана мен, кизимга қаттиқ-қаттиқ гапираман, айтганимни қилмаса борми, тарсиллатиб соламан!

— Ҳа-да, — гапни илиб кетди бошқаси, — болага қаттиқ туриш керак. Меникилар ҳам “финг” деса таъзирини бераман, бармоғимнинг изи юзида қолади. Бўлмаса талтайиб кетади-да. Нима, сиз болаларни урмайсизми?

Бир муддат нима дейишни билмай қолдим.

— Йўқ, урмайман. Чунки мени ҳам ота-онам урмай-сўкмай тарбиялашган...

Чиндан ҳам онажоним, биз — олти фарзандни юмшоқлик билан, ҳаргиз меҳрга қондириб катта қилдилар. Ҳатто “чертиб ҳам кўймаганлари” рост. Исминизга “хон”, “жон” қўшмай айтганларини эслолмаймиз. Шукур, ёмон одам бўлмадик. Ота-онамиздан қолган энг қимматли мерос — меҳрни болаларимизга бус-бутун етказишга интилиб яшапмиз. Зеро, фарзанднинг меҳр-муруватли, бағрикенг бўлиб камол топишида бу жуда муҳим.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, ўша ҳамкасбим ёзғириб қолди:

— Боламини дўхтирга кўрсатиб келаяпман. Мактабда мушглашиб боши ёрилибди. Бу эркатой жуда уришқоқ чикди, куйдирапти, опа! На сўкиб ўлга сололамиз, на уриб!.. Нима қилсам экан, руҳшуносга кўрсатсаммикан-а?..

“БУВИМ ТИРИК БЎЛГАНЛАРИДА...”

Болакай кўзларини жавдиратиб дадасига яқинлашди:

— Қаранг, варрагимнинг ипи ўралашиб қолди.

— Оббо, намунча ўралашавермаса бу?! Ҳа чарчаб келганман. Олиб бер, дединг, олиб бердим, энди эп-лаб ўйнагин-да! — деди дадаси жаҳл аралаш.

Бола ошхонага ўтди.

— Аяжон, варрагим...

— Ҳа, шундоғам овқатим кеч қоляпти. Варрагинг билан бошимни қотирма! Наридан тур-чи...

Болакай бошини эгиб ичкарига кириб кетди.

— Опа, варрагимни тузатиб беринг.

— Уф-ф, сендан бошқа ишим йўқми, бор, варрак-паррагинг билан чикиб кет.

Боланинг жавдираб турган кўзларида ёш айланди.

Ҳозирги кунда фарзандларини руҳшунос маслаҳатига олиб бораётган ота-оналарни тез-тез учратиш мумкин. Айрим ўқув муассасаларида бу соҳа мутахассисларига алоҳида иш жойлари ажратилмоқда. Негаки, бугунги давр боласининг руҳияти ахборот асрида, “ахборот ҳужуми” ва бошқа шу каби тушунчалар пайдо бўлган замонда шаклланапти. Улар таракқиётнинг шиддатли шамолига жуда эрта дуч келяптилар.

Шунингдек, оилавий тарбияда синалган қадриятларга амал қилиш, ўғил-қизларга меҳр кўрсатиш билан бирга, тарбияда қатъий бўлишнинг меъёрларини унутмаслик жоиз, деб ўйлаймиз. Зеро, фарзанд тарбияси нозик ва машаққатли иш экани барчага аён.

БОЛАНГИЗ РУҲШУНОСГА МУҲТОЖМИ?



— Бувим тирик бўлганларида, сенларга ялинмасдим, — дея пичирлади у, сўнг алам билан варрақни парчалаб йиртиб, гиламга сочиб юборди.

Дарҳақиқат, “Бувисининг тарбиясини кўрган бола эсли бўлади”, деган гап бежизга айтилмаган. Аммо ёш оналарнинг ҳаммаси ҳам боласини бувилар тарбиясига ишониб топширашавермайди.

— Биз ишда, қизчамиз кеча-ю кундуз бувиси билан қолиб кетаяпти, — дейди шундай оналардан бири. — Мияси эскичага тўлиб кетди. Бувиси унга ҳали етти пуштининг исмини ёдлатадим, ҳали дўппи тикишни ўргатадим-ей... Дипломат бўлади-ган болага буларнинг нима кераги бор! Бир амаллаб қизимни бувисидан ажратиб ҳафталик боғчага бердим.

Бунисига нима дейсиз? Боғча ёшидаги кичкинтойнинг келажакда ким бўлишини аниқ белгилаб қўйган “билагон” она оила муҳитининг бола тарбиясидаги ўрнини англашга ожиз!

Шу ўринда қизик бир маълумот: Францияда мартнинг биринчи якшан-

басида “Бувижонлар куни” нишонланар экан. Улар учун аксарият театрларда бепул спектакллар намойиш этилади, музейларга экскурсиялар уюштирилади. Шу куни ресторан ва магазинларда нархлар пасайтирилади. Байрам олдида эса барча ҳолловчилар йилнинг “супер-буви”сини аниқлаш бўйича махсус мусобақада катнашишлари мумкин. АҚШда ҳам 13 сентябрь санасида Бувижонлар байрами ўтказилади.

Мутахассисларнинг айтишича, бувиларга бу даражада эҳтиром кўрсатилишининг боиси, фарб мамлакатларида кичкинтойлар тарбиясида буви ва боболарнинг иштироки тансиқлашиб қолган. Юқоридаги байрамларни ёш ота-оналар диққатини шу масалага қаратиш учун ташкил этилган бир чора, дейиш мумкин.

Бизда бундай тадбирларга ҳожат йўқ, чунки ёши улуғларга эъзозу эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятлари сирасидан. Фарзандларимиз уларнинг меҳр чашмасидан қониб камол топишларига интилсак бас. Ёш авлоднинг маънавий барка-

Бугуннинг гапи
мол, миллий қадриятларимизга эътиқодли бўлиб вояга етишларида ёши улғу, кайвони онахон-отахонларнинг ҳаётий тажрибаси ҳаммаша асқотади.

...Кўчанинг қоқ ўртасида муштдеккина боласини “боплаб” савалаётган келиннинг шанғиллашини эшитиб, уйдан ўқдек чиқиб келган қайнона қаттиқ йиғлаётган болани даст кўтариб бағрига босаркан, келинини тинчлантириб ичкари киритиб юборди. Неварасининг бошини силай туриб, саломимга хижолатомуз алик олди-да, жилмайиб деди: “Кўрмайсизми, ҳозирги ёшлар шунча асабий”...

Ҳа, биз катталарнинг асабларимиз доим таранг. Боланики-чи? Унинг асабларини ким авайлайди? Халқимизнинг: “Сўксанг бети қотади, урсанг — эти”, деган нақли замирида бутун бир тарбия илми мужассам эмасми?!

Кўшнимнинг беш яшар боласи бир муддат кўринмай қолди. Сўрасам қишлоқда, бувисиникида экан. “Вақтинча боғчага бормаяпти, — дейди онаси. — Мазаси йўқроқ, инжиқ, салга йиғлайди, баъзан кўлидаги нарсаларни отиб юборадиган бўлиб қолди. Шифокорга кўрсатгандик. Асаблари тарангмиш! Психологга қатнарканмиз. Кейинги ҳафтадан таътилга чиқаман, унгача бувиси қараб турсин, деб ташлаб келдим”.

Орадан маълум вақт ўтгач, кўшнимни анча хушҳол кўриб, болакайнинг ахволини сўрадим. “Нимасини айтасиз, болам бир яхши. Бувисининг ўзи зўр шифокор экан! Инжиқлигидан асар ҳам йўқ. Иштаҳаси карнай. Кайфияти зўр”, дейди кўшним кувончини яширолмай.

Эҳтимол, болага бувисининг меҳри малҳам бўлгандир? Доим банд, бунинг устига тез-тез гижиллашиб турадиган, аламини боладан олганида овози деворни тешиб ўтгудек жаранглаб, жазавага тушадиган ота-онасидан тополмаган эътиборни бувисидан топгандир. Ахир, бола учун атрофдаги яқинлари яратган илиқ iklimчаллик шифобахш муҳит бўлмаса керак...

Кичкинтойларнинг руҳшуносга муҳтожлиги ҳам биз катталарнинг эътиборсизлигимиз, тарбия борасида неча минг йиллардан бери авайлаб-асраб келинаётган аъналардан бироз чекинаётганимиз, айтиш жоиз бўлса, худбинлигимиз туфайли юзага келмаётганмикан? Мен болаларни руҳшуносга кўрсатмайлик, деган фикрни илгари сурмоқчи эмасман. Шунчаки, шифокорга қатнаш даражасига етказмасдан, аввал кичкинтойга эътибор бериб, меҳр-муҳаббатга қондиришимиз керак.

Гулчехра АСРОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Фаргона вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бишиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўлиқ кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

«LUXE TRANS CAPITAL» МЧЖ корхонаси ўз муассисларининг қамайгани сабабли корхонанинг устав жамғармаси 300 миллион сўмдан 200 миллион сўмга туширилганини маълум қилади.

Юнусобод тумани, 2-мавзе, 26-уй, 73-хонада яшовчи Умаров Магомед Абдулазизович номига 2013 йил 17 июнда берилган олди-сотди шартномаси, уй дафтари, кадастр хизмати томонидан берилган уй режаси, ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Болалигимда менинг ҳам ойдан ёруғ орзуларим бор эди. Аммо отамнинг раъйига кўра, бир йигитга турмушга қайлиб, у билан тўққиз йил ҳаёт кечириб, аёллигимни унутмаётганимда, вақт келиб, бировнинг бахтига шерик бўлман, деб ўйламаган эдим.

Хуллас, тақдир экан-да, худойим мени фарзанддан қисди. Бола асраб олишга эса эрим кўнмади. Шундоқ ҳам ўртада меҳр бўлмаган оиламиз қайнонамнинг қистовидан сўнг пароканда бўлди. Мен олий маълумотли эдим. Одамлардан панароқда яшаш истагида шахарга келиб қолдим. Нуфузлироқ жойда ишлайдиган дугонаман менга мадад берди. Уч йиллик ижарадаги ҳаётим яқун топиб, ўзим бир хонали уй сотиб олдим. Чунки топиш-тутишим яхши эди. Қолаверса, ота-онам ўтиб кетишган, тоғам мени кўллаб турарди.

Ҳаётда ўз жуфтими топиш умиди мени аллақачон тарк этганди. Имкон топдим дегунча, Меҳрибонлик уйдан фарзанд асраб олиш орзусида яшардим.

Шундай кунларнинг бирида ишга келсам, хонам эшиги ичидан кулф. Қайта-қайта тақиллатганимдан сўнг эшик очилди. Карасам, ҳамкасбим — Аҳрор ака. Назаримда, у уйига кетмасдан ишхонада ётиб қолган.

— Тинчликми, Аҳрор ака? Уйингизга бормадингизми? Нега? Хисобот даври эмасди-ку?

Кетма-кет берган саволларимдан хижолат бўлган Аҳрор ака ҳеч нима демасдан юзини ювиш учун чиқиб кетди. Аҳрор акага раҳмим келдими, қаҳва дамлаб, уйдан олиб келган пирогимдан бир бўлагини унинг столига қўйдим.

Худо ҳаққи, бу ишни ўзимни унга яхши кўрсатиш учун эмас, инсонийлик, ҳамкасблик нуқтаи назаридангина қилгандим.

— Хижолат бўлманг, қорнингиз очдир, ош бўлсин, — дедим.

Чой устида суҳбатимиз бошланди. Аҳрор ака нега ишхонада ётиб қолгани сабабини айтиб берди. Айтишича, уйда ҳар кун жижил экан. Аёли бўлар-бўлмас галларни баҳона қилиб, унга тинчлик бермаскан.

— Аёлингизнинг шубҳаланиши балки бежиз эмасдир? — дедим унинг муаммосига ечим излашга уриниб.

— Худо ҳаққи, Умидаҳон, уйланганимдан бери бирорта бегона аёлнинг юзига ёмон ўйда қарамаганман. Хиёнатнинг жавобидан кўрққанман. Аммо аёлим, қани энди буну тушунса.

Кеча хотиним навбатдаги гавғони бошлаганида, болаларим бирин-кетин чиқиб келишди. Хотиним яна бир ёмон сўз айтди, тўнғич ўғлимнинг юзига қарасам, у менга истехзо ва мазох билан қараб турибди. Мен шу нарсага кўтаролмадим. Хотинимни аямай урдим, болалар зўрга ажратиб қолишди. Кейин уйдан чиқиб кетдим...

Онаси бир ишни қилдиргунча ўн соат жаврайдди, уради, сўкади. Шунда ҳам бола ишни кўнгилдагидай бажармайди. Мен танбех берсам, онаси тарафини олади. Уларга бериладиган тарбиянинг ҳам охири жанжал билан тугайди.

Шу-шу Аҳрор ака билан ҳар замонда сирлашиб турадиган бўлдим.

Бир кун иш вақти тугаб, ҳамма уй-уйига кетаётган пайтда ҳамкасбларимиздан бири айтиб қолди:

— Аҳрор акани кўрдингизми, қорволхонада ётибди, ўлгудек ичибди-я. Ихтиёрсиз шу ёққа бордим.

— Сингил, уни уйига жўнатовриш керак. Бу ерда ётганини бошлиқ кўрса, ишдан ҳайдалиши аниқ, — деди инсофлироқ қоровул амаки.

Шу сабаб кўчага чиқиб, такси ту-

тиб келдим. Қоровулнинг кўмагида уни машинага олиб чиқдик. Мен ҳам олд ўриндикка ўтирдим-у, бироздан сўнг Аҳрор аканинг бошида айланадиган тегиримон тоши-ю, уйда бўладиган тўполони кўз олдимга келтириб, юрагим орқага тортиб кетди. Нега унга раҳмим келаётганини ўзим ҳам тушунмасдим. Балки менинг хатоим шудир? Балки кундошимнинг хатоси шу ерда ўз мевасини бергандир?

Ҳайдовчига ўз манзилимни айтдим. Аҳрор ака тонгга яқин уйғонди. Аввалига қаерда ётганини англолмади. Кейин нималар бўлганини айтиб берганимдан сўнг шунақанги хижолат бўлдики, сўз билан ифодалаш мушкул.

— Нонушта тайёр, — дедим ошхонадан туриб. — Аччиққина мастава қилдим. Қатиқ ҳам олиб чиқдим. Ичи олсангиз, анча ўзингизга келиб қоласиз.

Аҳрор ака маставани иштаха билан ичди. Юзига қон югуриб, кайфияти ҳам анча кўтарилди.

— Энди уйингизга боринг, сизни хавотир олиб кутиб ўтиришгандир, — дедим.

Аҳрор аканинг юзи янада тундлашди. Ёнидан қўл телефонини олиб ёқди. Рақам терди. Ҳаял ўтмай у ёқдан аёл



кишининг шанғиллаган овози келди:

— Уйга қайтиб қадамнинг боса кўрма, ...! Қайси ... никида бўлсанг, ўша ерда яшайвер!

Аҳрор аканинг боши эгилди. Телефонни асабийлик билан столга урди.

— Уйингизни босинг, нима бўлганда ҳам, уйингизга боришингиз керак. Бўлмаса, вазият бундан ҳам чигаллашиб кетади, — дедим.

— Бундан баттари бўлмайди, у ер уй эмас, нақд гурбатхонанинг ўзи.

— Улар мени ҳеч қачон кутишмайди. Кутишса ҳам пул керак бўлганда излаб қолишади. Ўн кунлаб хизмат сафарларидан қайтганимда, бирорта болма дадажон, деб бўйнимга осилмаган, чунки соғинмаган-да. Шундай экан, нега мен у уйга боришим керак?

...У барибир уйига бормади. Ишхонада ётиб юрди. Гоҳида гижим устбоши, ўсиб кетган соқолини кўриб, унга раҳмим келарди. Виждоним чидамади. Аҳрор аканинг уйига бордим.

Аёли билан ёлғиз суҳбатлашишни истатадим.

Мен минг истихоло билан Аҳрор аканинг ишхонада ётиб юргани, бу унинг обрўсига пугур етказиши мумкинлиги, шунинг учун уни уйга қайтариш кераклигини айтгандим, аёл бо биллаб берди:

— Ҳўш, сен ўзи кимсан, менга маслаҳат берадиган? Жуда Аҳрор аканга раҳминг келаётган бўлса, ўзинг уйингга обқирвол, бўптими? Менга унақа латта эр керакмас!

Бу уйдан бир замбил лой бўлиб чиқдим.

Аҳрор акага раҳмим келганидан ўзим уни икки-уч марта уйга тақлиф қилдим. Иккимиз бозорга бориб, унга икки-уч сидра кийим харид қилдик. Бу орада ҳаво анча совиб қолди. Ишхона-

Хатлар — тақдирлар

да ҳали иситиш тизими ёқилмаган, бу ерда ётиб қолган одамнинг шамоллаши аниқ эди. Шу сабабдан Аҳрор акани уйимда қолишига рухсат бердим.

Бир кун у менга уйланишини айтди. Мен рад этдим. У сўзида қатъий туриб олди. Мен унинг оиласига қайтишини истардим. Аммо ўз уйининг эшиклари унинг юзига неча марта қаттиқ ёпилди. Аёли ишхонага келиб, болаларини боқмаётганини айтиб, эрини ҳақоратлаб кетди. Аҳрор акадан пул олгачгина унинг овози тинди. Англадимки, унга эрининг ўзи эмас, пули керак.

Шундан сўнггина Аҳрор ака билан турмуш қуришга рози бўлдим. Аммо бу бахтнинг омонатлигини иккимиз ҳам яхши англаб турардик.

Баъзи-баъзида кундошимнинг эшигим олдига келиб, айюҳаннос солишлари, иккимизни ҳақоратлаши, гоҳида болаларига эски-туски кийимларни кийдириб, бизниқига юборишлари, баъзида эса ишхонага келиб бизнинг устимиздан мағзава тўкишлари ширин ҳаётимизга рағза солиб турарди. Аммо Аҳрор ака пинҳона мени авайлар, мен эса уни...

Йиллар ўтди. Кундошимнинг негандир шашти пасайиб қолди. Кейин билсак, у ўткир аллергия касаллига чалинибди. Унга ачиндим. Бир ёқда кизига совчилар келаётган экан. Йигиб юрган пулларимизни аёли ва болаларига олиб боришини айтиб, Аҳрор аканинг қўлига тутқаздим. У аввалига рози бўлмади. Анча уринишларимдан сўнг кўнди.

Бу орада кизига яхши жойдан совчилар келди. Унаштирилди, тўй куну белгиланди. Энди Аҳрор ака менинг уйимга жуда кам келар, бундан хафа эмасдим.

Аммо кунларнинг бирида ўзимдаги ўзгаришдан юрагим ҳаприқиб кетди.

Мен хомилдор эдим. Ахир, мен бу фарзандни йигирма йилдан ортиқ кутгандим. Йигирма йил-а!

Аҳрор акага кўнғироқ қилиб, хушхабарни айтдим.

— Иложи бўлса, бу болани йўқот. Нима қиласан, ортиқча бош оғриқини? Тинчгина яшаб юрибмиз-ку. Мен боладан тўйганман, — деди у.

Телефонни қўйиб қўйдим. Худо менга жазо берган эди.

Чиндан ҳам Аҳрор ака сўнги сўзини ҳам айтди:

— Сенинг борлигини кудаларим эшитиб қолса, яхши бўлмайди. Яхшиликча орани очиқ қилганимиз маъқулмикан...

Мен унга қаршилиқ қилмадим. Кўзим ёриди. Ўғлим туғилди. Аҳрор ака бирор марта бўлсин, уни қўришга ошиқмади. Иложимиз қанча...

Бахтли дамларнинг баракаси бўлмас экан. Ўғлимнинг катта бўлаётганига қувониб йилларни ўтказибман. Яқинда у саккиз ёшга тўлди. Энди у менинг ёрдамчим, маслаҳатгўйим.

Кеча уни спорт машгулотидан олиб қайтаётсам, йўлак бошида таниш чехрани учратдим. У — Аҳрор ака эди. Саккиз йил уни шу даражада ўзгартирибдики, таниш мушкул. (Айтганча, кундошим анча йиллар аввал уни ишдан бўшашга мажбур қилган эди). Униққан костюм, яқин вақт ичида тоғорага тушмаган шим, ўсиб кетган соч-соқол...

Унинг нега бу аҳволга тушгани менга янгилик эмасди. Унинг қаршисида бир лаҳза тўхтаб қолдим.

— Ойи, бу киши ким? — деб сўради ўғлим.

— Ҳеч ким...

**УМИДАНИНГ МАКТУБИНИ
ШАҲЛО ТОШБЕКОВА
НАШРГА ТАЙЁРЛАДИ.**

Биласизми?

СИФАТЛИ АТИР: Қандай танланади?

Атирлар таркиби 15-20 фоиз ҳид концентрати ва 80-85 фоиз тоза спиртдан иборат. Шу боис парфюмерия воситалари орасида атир энг узоқ сақланувчи ифори ҳисобланиб, юқори нархда баҳоланади.

Таркиби 10 фоиз ифори мейлар (эфир мойи), 12-13 фоиз ҳид концентрати ҳамда 80 фоиз спиртдан иборат бўлган атир суви (Eau de Parfum) жуда харидорнинг ҳисобланади. Эркинлақ учин ишлаб чиқарилаётган одекалонлар (Eau de Cologne) таркибида 3-5 фоиз ҳид концентрати ҳамда 70-80 фоиз спирт мавжуд. Дезодорантлар гигиена воситаси ҳисоблана-да, аксарият фойдаланувчилар унинг ҳидига қараб харид қиладилар.

Мутахассислар томонидан баҳорда ясмин ва атирғул каби гуллар ҳидини берувчи атирлар, жазирама ёзда лимон, ялпиз, грейпфрут қишнинг хидли атирлар, куз ва совуқ кунларда қорида корица, шоколад, ванил каби илқ хидли атирлар тавсия этилади.

Аксарият аёллар ўзига маъқул келган бир хидли атирдан узоқ вақт фойдаланишни маъқул кўришади. Бу албатта аёлнинг ўзига хослигини билдириб турувчи омил. Аммо вақт ўтиши билан хидларга бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Шунинг учун турли ифори атирларни алмаштириб фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Атир харид қилаётганда рангини тиниклиги ҳамда қадоғидаги ёзувларга эътибор бериш керак. Аксарият қалбакилаштирилган атирлар қадоғидаги ёзувларда «Climat» ўрнига «Clem», «Cool Water» ўрнига «Cool Winter», «Kenzo» ўрнига «Genzo» каби хатолар бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Шунингдек, асл атирлар қадоғидаги «parfum» деган ёзув қалбакилаштирилганида «parfume» деб ўзгарган бўлиши мумкин. Асл атирларда ишлаб чиқарилган давлатнинг номи «France», деб ёзилса, қалбаки маҳсулотларда «Made in France» ёзуви учрайди.

Маҳсулот қутисиди ишлаб чиқарувчи давлатнинг штрих коди мавжуд бўлиб, уни яхши билган харидор ҳам сифатли атир танлашда янгиликлашмайди. Масалан, Буюк Британия — 50, Германия — 400-440, Испания — 84, Италия — 80-83, Франция — 30-37, Канада — 00-09 каби штрих кодлар билан парфюмерия воситалари ишлаб чиқаради. Шунингдек, штрих-коднинг пастки тарафдаги маҳсулот рақами атир идишида ҳам бўлиши лозим. Сифатли атир ифори аста-секин янги қирраларини намоён этади. Сохта (анча қиммат бўлса ҳам) атирлар эса бундай хусусиятга эга эмас.

Хидлар инсоннинг кайфиятини кўтарибгина қолмай, саломатлигига ҳам ижобий таъсир қиладди. Қадимда маҳсулот хидланган гуллар воситасида асабларни тинчлантириш ва бош оғриқни енгишда фойдаланилган. Ҳозирги замонавий тиббиётда ҳам ароматерапия воситасида кўплаб хасталиклар даволанмоқда.

**ЛАТОФАТ САЪДУЛЛАЕВА
ТАЙЁРЛАДИ.**



ЭНГ КИЧИК ОСМОНЎПАР БИНО

Дунё меъморлари энг баланд осмонўпар бинолар лойихасини яратишда ҳам "пойга"ни давом эттиришмоқда. Биласизки, тўрт йил аввал Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қад ростлаган "Бурж Халифа", яъни "Халифа минораси" бугунги кунда дунёнинг энг баланд иншооти сифатида эътироф этилади. Ушбу миноранинг баландлиги 828 метр. Ҳа, дунёни ҳайратга солиш истаги одамзод кўнглини ҳеч қачон тарк этмаган. Ҳўш, ўзи осмонўпар бинолар куриш қачондан бошланган? Энг биринчи дароз бино қаерда қурилган?

Техас штатининг Уичито-Фолс шаҳрида пишиқ гиштдан қурилган кенг ҳовлили бино узра қад ростлаган миноранинг баландлиги кўп эмас, кам эмас – 12 метрни ташкил этади. 1912 йилда ушбу шаҳар яқинида нефть захираси топилган ва бу аҳолини иш билан таъминлаш имконияти эди. Шу сабаб штатнинг турли жойларидан иш излаган одамлар шаҳарга оқиб кела бошлаган. Натижада турар жой ва идора биноларига эҳтиёж ортган. Шунда Ж.Макмаон исмли муҳандис баландлиги 480 фут, яъни 146 метр атрофидаги бино лойихасини тақлиф қилган. Бунинг учун у ҳукуматдан 200 000 доллар маблағ сўраган.

Қурилиш ишлари бир йил ичида ниҳоясига етказилди. Буни қарангки, қад ростлаган бинонинг баландлиги режадагидек 146 метр эмас, балки бор-йўғи 12 метрни ташкил қиларди. Маълум бўлишича, муҳандис ўз лойихасида бинонинг баландлик ўлчамларини футда эмас, янглишиб дюмларда белгилаб кетган экан. Бу-юртмачилар бу нарсага эътибор қаратишмаган ва қурилиш ишларини бошлаб юборишган.

Аввал бошда бу галати бино аҳолининг гашига тегиб турди. 1920 йилларга келиб бино "Роберт Рипли нашриёти" («Ripley's Believe It or Not!») сифатида ном қозонди ва ўшанда "Дунёдаги энг кичик осмонўпар" ("World's littlest skyscraper") номини олди. Бу вақтга келиб нефть захираси адоғига етди. Одамлар шаҳардан кета бошлади. Анча йиллар бўш ётган бино эса кейинчалик бир неча бор ўз эгаларини ўзгартирди. Гоҳ офис, гоҳ сартарашхоналар мажмуаси, гоҳида эса кафе бўлиб одамларга хизмат қилди. Бир неча бор бинонинг маълум қисмини бузиб, қайта таъмирлаш режаси ҳам тузилган. Бироқ, шахарликлар унинг ўз ҳолича сақланишини қатъий талаб қилишди. 1986 йилга келиб, «осмонўпар» бино Уичито округининг Вачилик кенгаши (Wichita County Heritage Society) тасарруфига ўтказилди. Шу тариқа Уичито-Фолс шаҳри чин маънода осмонўпар бўлмаса-да, тарихий биносини сақлаб қолди. Ҳозирги кунда унинг ичида антиквар дўкон ва рассомлик студияси жойлашган. Техасликлар эса энг кичик осмонўпар бинолари билан фахрланиб яшашмоқда.

Чарос ТУРСУНОВА
тайёрлади.



ҚАЙНОНАСИ КУН БЕРМАДИ

Қизим Зебони 19 ёшида яхши ниятлар билан турмушга узатдик. Қайнонаси уч йил аввал оламдан ўтган экан. "Қайнонагга яхши муомалада бўлиб, хизматини қилсанг, онадек меҳри тушади", дея қизимга насухат қилдим. Аввалига турмушлари яхши кечди. Бироқ, икки-уч ойлар ўтгач, Зебо хомуш ва тушкун кайфиятда юрадиган бўлиб қолди. Сабабини сўрасам: "Тинчлик, ҳаммаси жойида", деб жавоб берарди. Бир куни тушлик маҳали бирдан юрагим безовта бўлиб, уйда ўтира олмай қолдим. Негадир Зебодан хавотирда эдим. Хабар олиб келиш учун йўлга чиқдим. Ҳовлига кирсам, қудам нимадандир норози бўлиб, қаттиқ-қуруқ гаплар билан куёвимга қизимни ёмонлаётган экан. Бир зум эшик олдида туриб қолдим. Қудам мени кўриб, ҳеч нима бўлмагандай сўраша кетди. Кўзлари ёшга тўла бўлса-да, қизим жилмайишга уриниб, чой дамлади. Унинг куёвим билан аҳил-иноқлигини билганим учун ҳам қудамдан нега

уришасиз, деб сўрашга истиҳола қилдим. Индамай қайтиб келавердим. Шундан кейин қайнонаси қизимни уч ой бизниқига юбормади. Тинч бўлса майли, бошқасига чидаш мумкин, деб ўйлагандим. Аммо бир куни Зебо йиғлаб кириб келиб, дардини тўкиб солди. Ай-тишича, қайнонаси унга сира кун бермас эмиш. Ҳар куни жанжалга баҳона излаб, куёвим билан қизим жиқ-қамушт бўлмагунча тинчимас экан. "Қайнонамнинг зугумларидан куёвингиз ҳам тўйиб кетган. Охири менга кўл кўтаришгача борди", деди қизим кўзда ёш билан. "Бу кунлар ўтиб кетади, сабрли бўл", дея уни ортига қайтариб юбордим. Аммо бу ҳол такрорланавергач, куёвим: "Онам сен билан яшашимни истамаяпти, тинчгина ажрашиб кўя қолайлик", дебди. Қайнонасининг калтабинлиги, жанжалкаш ва жиззакчилиги туфайли ёлғиз қизимиз турмушдан ажрашиб келди. У ҳозир **32 ёшда**. Бухоро вилояти ёки шу яқин вилоятларда истиқомат қилувчи, оиласини ардоқловчи йигитлар бўлса, узатиб бахтини кўрсак, ниятимизга етардик.

ШАБНАМ опа,
Бухоро вилояти.

ИККИ КУНЛИК НИКОҲ

Укам Фурқатни яхши ниятлар билан тўй-томоша қилиб, кўшни маҳаллада яшовчи бир қизга уйлантирдик. Ота-онаси бамазни, қизнинг ўзи ҳам кўзимизга ойдек кўринган эди. Аммо... никоҳ оқшомининг эртаси куни тонг маҳали келин кўзида ёш билан уйдан чиқиб кетганини эшитиб, қотиб қолдик. Нима гаплигини билолмай янгалар ҳам ҳайрон. Шошиб ичкарига, укамнинг ётоғига кирсам, ранги оқариб кетган, бошини чангаллаб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Саволларим ҳам жавобсиз қолди... Тезда келиннинг ортидан қудамизниқига етиб бордик. Маълум бўлишича, қизнинг... юзи ёруғ эмас экан. Буни эшитган онасининг аҳволи оғирлашиб қолибди. Хуллас, тўйнинг чарчоқлари танамиздан кетмай, хурсандчилигимиз бархам топди. Мана, тўрт йилдирки, укам қайта уйланишни истамайди. Унинг аҳволини кўриб, кексайган ота-онамнинг юраги эзилади. Яқинда Фурқатжоннинг кўнлига кўл солсам, яхши қиз учраса, уйланиш ниятида эканлигини айтди. Бу хушхабардан хурсанд бўлиб сизларга мурожаат қилялман. У ҳозир **31 ёшда**. Тадбиркорлик билан шуғулланади. 25 ёшгача бўлган, сариштали, касб-кори бор қизлар чикса, хабар берсангизлар.

СУРАЙЁ,
Самарқанд вилояти.

ОТА-ОНАМ АЙБДОР ЭМАС

Ёшим **34 да**. Лаб-танглай нуқсонини билан туғилганман. Ота-онам кичиклигимда кўп маротаба шифокорларга олиб боришганини эслайман. Аммо фойдаси бўлмаган. Ҳозирда бундай камчилик билан туғилган чақалоқларни операция қилиш имконияти мавжуд. Хатто, бу каби болалар давлатимиз томонидан даволатиш учун чет элларга юборилаётганини эшитиб хурсанд бўламан. Оилада кенжа фарзандман. Ака-опаларим уйли-жойли бўлиб кетишган. Мактабни таомолагач, айбимдан уялганим учун бирор олий ўқув юртига кириб ўқишни истамадим. Тикувчилик, уй ҳамшираси, пазандачилик каби ойлик курсларда турли хунарларни ўргандим. Аммо шу пайтгача мени сўраб уйимизга совчи келмаган. Бунинг учун ота-онам доим ўзларини айбдор деб билишади. Тенг-тенги билан деган нақл бор. Мен ҳам тўрт мучаси соғ йигитни орзу қилаётганим йўқ. Ўзимга ўхшаган бирор нуқсонини бор йигит учраса, турмушга чиқардим. Энг муҳими, оиласини ардоқласа, меҳнаткаш бўлса бас.

САРВИНОЗ,
Наманган вилояти.

ТЎЙ... КЕЧИКТИРИЛДИ

Опамнинг учинчи қизи Салимани унаштириб, тўйга тайёрланаётган пайтимиз бир амакиси оламдан ўтиб қолди-ю, тўйни кечиктиришга мажбур бўлдик. Унинг маъракиси арафасида бувиси ҳам қазо қилиб қолса, денг... Маҳалланинг ёши улуғлари: "Маърақанинг муддати уч кун, тўйни ўтказиб юбораверинглар", дейишса ҳам, Салиманинг дадаси: "Онамнинг ҳурматини жойига қўйшим керак", дея оёқ тираб олди. Бу сафар ҳам тўй сурилди. Куёв тараф эса бошқа кута олмасликларини айтиб, фотиҳани бузишди. Орадан бир неча йиллар ўтди. Ҳалигача Салиманинг бахти очилмаяпти. Ёшим **29 да**. Ҳаётни тушунадиган, уйи ва иши тайин йигитлар бўлса, уни узатардик. Бўлғуси куёвимиз уйланиб ажрашган бўлса ҳам майли. Энг муҳими, бахтли ҳаёт кечирishi бўлгани.

ХОСИЯТ хола,
Қашқадарё вилояти.

БИР МЕҲРИБОН АЁЛ КЕРАК

Аёлим Мадина жуда меҳнаткаш, ғайратли, меҳрибон аёл эди. Ота-онамнинг хизматини қилиб чарчамасди. Бирор марта кўзимга тик қараб, қаттиқ гапирганини эслолмайман. 3 нафар фарзандимиз бор, турмушимизга ҳаммамнинг ҳаваси келарди. Унинг яна ҳомиладор эканини эшитиб, бошим осмонга етгудек қувондим. Аммо, бу сафарги ҳомиладорлиги жуда қийин кечди. Тез-тез иссиғи кўтарилар, ўзини доим ҳолсиз сезарди. Тўққиз ой давомида шифохонада бир неча марта даволанди. Ниҳоят, кўзи ёриб, ўғилларимиз тўртта бўлди. Туғуруқхонадан чиққанимиздан кейин боланинг соғлиғи яхши бўлса-да, Мадинани кундан-кунга оғирлашаверди. Кенжамиз тўрт ярим ойлик бўлганда онасидан ажралиб қолдик. Орадан уч йил ўтди. Катта ўғлим 18, энг кичиги уч ярим ёшда. Ота-оналаримиз эрта қазо қилиб кетишган. Раҳматли аёлимнинг қариндошлари Андижонда яшашади. Тўрт фарзандни вояга етказиш ёлғиз ўзимга қолган. Кичик ўғлим онасига эрқаланаётган ўртоқларини кўриб, нега менинг ойм йўқ деб, йиғлайди. Онасининг меҳрини, кучоғини излайди. Эрак киши кўчанинг одами деб бекорга айтишмаган. Оиламни моддий жиҳатдан таъминлаб қўйиш менинг вазифам. Бироқ, ҳозирги шароитда кўп ишларга улгуролмаялман. Ёшим **45 да**. Ўғилларимга оналик меҳрини бера оладиган, ҳаётнинг паст-баландини тушунган аёл учраса уйланиш ниятидаман.

ҲАМИДУЛЛА,
Тошкент вилояти.

ШАРБАТ ҒУРБАТ КЕЛТИРМАСИН

...Онаси билан бирга бозорга келган Шохрух чанқаб кетгани боис «Салқин ичимликлар» деб ёзиб қўйилган жойда оёғини тираб туриб олди. Ўғлининг қайсарлигини билан Саодат ҳам тўхтаб, ичимликларни кўздан кеңирди. Учта идишда уч хил шарбат живир-живир қилиб турарди. Бири ўрик, бири гилос, бири шафтолили экан.

— Қайси биридан ичсан? — сўради ўғлидан.

— Гилослиддан, — деди ўғли.

— Мана шу шарбатингиздан қўйиб беринг.

Шохрух чанқаб кетгани учунми, шарбатни маза қилиб ичди. Аммо уйга етиб келишлари биланок бола «қорним оғрипти»

деб йиғлашга тушди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас қайт қила бошлади. Танаси музлаб, хушини йўқота бошлаганида, Саодат «тез ёрдам»га қўнғироқ қилди.

Яхшиямки, шифокорларнинг зудлик билан қўнғирган чоралари тубайли боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Унга ўткир заҳарланиш ташхиси қўйилди...

Ёз келиши билан юртимизнинг ис-талган ҳудудларида бозорлардан тортиб, кўча-қўйларгача «Яхна ичимликлар», «Салқин ичимликлар», «Квас»,

«Морс», «Ўрик шарбати — юрак қуввати» деган ёзувлар остида бир неча хил чанқовбосди ичимликларнинг савдоси кизийди. Энг кизиги, бунга ҳаммамиз кўникиб қолганмиз. Аксариятимиз чанқаб турган пайтда уларни ҳеч иккиланишсиз истеъмол қилавери-



рамыз. Ўйлаб кўрмаймизки, бундай ичимликлар қаерда, қандай шароитда тайёрланыпти, ичишга яроқлими, махсус рухсатномага эгамикан?

— Яқинда бир ошхонага кириб, гилосдан тайёрланган шарбатни ичганимиз, — дейди наманганлик Толиб Муродов. — Тўғриси, шарбат ичганимиз минг пушаймон едим. Кейин билсам, ундай шарбатлар ичига номига гилос меваси ташлаб қўйилиб, қолгани сунъий ранг ва таъм берувчи модда

ва сувдан иборат бўларкан. Анчагина даволанишлардан сўнг соғлигим тикланди...

Ана энди, кўча-қўйларда йўл четига биттадан бидон, тўртта косани қўйиб олиб: «Кеб қолинг, ўрик шарбати — юрак қуввати» дея ўзига мижоз чорлаётганлар томонидан бу ичимликни қандай тайёрланганлигини кўз олдингизга келтиринг. Негаки, салқин ичимликлар билан савдо қилувчилар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлардан махсус рухсатномага эга бўлган ҳоллардагина бундай ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Аслида эса сизу биз кўриб-қузатиб юрган «шарбатчи»ларнинг аксариятида бундай рухсатномалар, минг афсуски, йўқ.

Энг ачинарлиси, чанқовбосди ичимликлар сотилаётган шохобчаларда идишлар ҳам талаб даражасида ювилмайди. Кўп бора гувоҳи бўлганмиз: сотувчилар битта пақирчадаги сувга бошқалар ҳам ичган идишларни сира тортинмасдан чайиб олаверади. Энг ёмони, бу каби ҳолатлар санитария-гигиена қоидаларига зид ҳамда бизнинг саломатлигимизга ҳаф солиши эҳтимолдан холи эмас.

Шунинг учун оддий маслаҳат шуки: саратон чилласида чанқовбосди шарбатлар ичишдан аввал уларни дуч келган жойдан харид қилманг. Имкони борича, қўлбола ичимликларни истеъмол қилишдан сақланг.

Шахло ИСМОИЛЖОН қизи.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ЖОШУАНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

2012 йилги Лондон олимпиадаси чемпиони, ҳозирда профессионал рингда фаолият кўрсатаётган англиялик Энтони Жошуа 12 июль куни бокс ғураҳларидан бири Мэтт Скелтонни иккинчи раундда техник нокаут билан мағлуб этган эди.

Жошуанинг промоутери Эдди Хирнинг сўзларига кўра, Энтони кейинги жангини 30 август куни Ирландиянинг Дублин шаҳрида украинлик Ярослав Заворотнийга қарши ўтказди.

Бундан аввал, Жошуа супер оғир вазн тоифасининг IBF, WBO, WBA йўналишлари чемпиони, украинлик Владимир Кличко билан келаси йилнинг ўзидаёқ беллашиш умидида эканлигини баён қилган эди.

Жошуанинг рақиби Заворотний «паст навли» боксчилардан эмаслигини таъкидлаш жоиз. У фаолиятидаги биринчи жангидеяқ россиялик гигант Николай Валуев билан рингда чиққан. Кейинчалик эса Кубрат Пулев, Александр Дмитренко ва Дэвид Прайс каби «чарм қўлқоп» усталари билан куч синашган ва уларнинг барчасидан... мағлуб бўлган.

ГЁТЦЕ 48 ЙИЛЛИК РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

ЖЧ-2014 Германия ва Аргентина терма жамоалари ўртасида кечган финал учрашувида Марио Гётце гол киритиб, ЖЧларда сўнгги 48 йил мобайнидаги финал баҳсида гол урган энг ёш футболчиға айланди.

Ўтган ойда Марио 22 ёшини қарши олган эди. Финал учрашувида у 22 ёш 39 кунга тўлди.

Олдинги натижа ҳам германиялик футболчиға тегишли бўлиб, Вольфганг Вебер 1966 йилги мундиалда Англия терма жамоаси дарвозасини ишғол қилган, аммо яқунда инглизлар бош совринга эга чиққан. Вебер ўшанда 22 ёш 33 кунга тўлган эди.

ВИНЧЕНЦО ПЕШҚАДАМ

Францияда давом этаётган «Тур де Франс-2014»нинг 10-босқичи бўлиб ўтди.

Унда ўтган босқич якунига кўра, умумий ҳисобда пешқадамликни бой бериб қўйган Винченцо Нибали ажойиб тарзда қатнашиб, нафақат босқичда, балки умумий ҳисобда ҳам пешқадам бўлди.

«Тур де Франс»

10-тур

1. Винченцо Нибали (Италия, «Астана») — 4.27,26

2. Тибо Пино (Франция, FDJ) — 0,15

3. Алехандро Вальверде (Испания, Movistar) — 0,20

Интернет манбалари асосида Дурдона КАРИМОВА тайёрлади.

ЖАВОБГАРЛИКНИ ЮКЛАШИ МУМКИН

Оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган киши вояга етмаган фарзанди етказган зарар учун жавобгар саналадими?

Н. Азизов.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 995-моддасида белгиланишича:

«Суд ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онаға уларнинг вояга етмаган болалари томонидан ота-онаси ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин уч йил ичида со-дир этилган зарар учун, агар боланинг зарар етказилишига сабаб бўлган ҳулқ-атвори улар болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликларининг оқибати бўлса, жавобгарликни юклаши мумкин.»

Саволга Китоб туманидаги «Кафолат» адвокатлик бюроси адвокати Тошпўлат МУЗАФАРОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 995-моддасида белгиланишича:

Саволга Китоб туманидаги «Кафолат» адвокатлик бюроси адвокати Тошпўлат МУЗАФАРОВ жавоб берди.

БОЛАНИНГ ЮМУШИ ЭМАС

Баъзан боласига сигарет ёки нос сотиб олиб келишни юмуш деб буюрадиганлар учраб туради. Бундай маҳсулотларни сотишда қандай қонуний чеклашлар бор?

Ж. Турсунова.

Ўзбекистон Республикаси «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида белгиланишича: «алкоголь ва тамаки маҳсулотларини:

йигирма ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектлари томонидан;

улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса;

акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда (пиводан ташқари) ёки акциз маркалари қалбаки бўлганда; уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини берадиган тарзда аниқ тамғаланмаган бўлса; доналаб, қутисиз (ўровсиз) — тамаки маҳсулотига нисбатан;

уларни ишлаб чиқариш учун ли-

цензияга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган бўлса; уларни етказиби бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган маҳсулот етказиб берувчидан олинган бўлса, реализация қилиш мумкин эмас.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам чекланиши мумкин.»

Мазкур Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ: «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда уларни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги оғоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши керак.»

Саволга Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ ТБ катта терговчиси, капитан Нодиржон ФАЙЗИЕВ жавоб берди.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оялларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бosh муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором МАТКАРИМОВА
Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 737. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6744. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5